



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XALQ DEPUTATLARI NAMANGAN VILOYATI KENGASHINING QARORI

Namangan sh. Istiqlol ko‘chasi 57.

2022 - yil 30 - dekabr

VI-35-165-6-0-K/22

Namangan viloyati hokimligi

Наманган вилоятининг 2023 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 24-моддалари, Бюджет кодексининг 99-моддаси, Ўзбекистон Республикасининг “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил 29 декабрдаги 01/20-32/1025-сон хатиға мувофиқ, вилоят ҳокимининг 2022 йил 30 декабрдаги 01/10-6600-сон тақдиномасини кўриб чиқиб, халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида” Қонуни асос ва амалда ижросини таъминлаш учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуниға мувофиқ, Наманган вилояти маҳаллий бюджетининг 2023 йил учун даромадлари 3 713 408 016,0 минг сўм, харажатлари 6 613 274 150,0 минг сўм прогноз қилинганлиги ҳамда республика бюджетидан ажратиладиган тартибға солувчи бюджетлараро трансфертлар 2 899 866 134,0 минг сўм миқдориди тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. 2023 йил учун Наманган вилоятнинг вилоят маҳаллий бюджети даромадлари прогнози 1-иловаға мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

4. 2023 йил учун Наманган вилоятининг вилоят бюджетига

ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдори 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. 2023 йил учун Наманган вилоятнинг вилоят бюджетидан ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларига ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. 2023 йил учун Наманган шаҳар ва туманлар бюджетларига умумдавлат солиқларидан ажратмалар нормативлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, ажратмалар нормативлари бўйича Наманган вилоятининг вилоят маҳаллий бюджети билан шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларининг тақсимотини ўрнатилган тартибда Наманган вилояти бўйича Ғазначилик бошқармаси томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

7. 2023 йил учун Наманган шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларининг даромадлари ва харажатларининг прогнози 5-иловага мувофиқ қабул қилинсин.

8. 2023 йил учун Наманган вилоятининг вилоят бюджетидан Наманган шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини Наманган шаҳар ва туманлар бюджетлари даромадлари прогнозининг ижросидан қатъий назар камайтиришга йўл қўйилмаслиги Қонунда белгилаб қўйилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

9. 2023 йил учун Наманган вилоятнинг вилоят бюджети захира жамғармаси ҳажми 24 801 045,0 минг сўм миқдорида белгилансин.

Наманган шаҳар ва туманлар бюджетларининг 2023 йил учун захира жамғармалари тегишли бюджетлар тасдиқланган умумий харажатларининг (бундан Наманган шаҳар ва туманлар бюджетлари жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтириладиган маблағдан ташқари) 1,0 фоизи миқдорида шакллантирилсин.

Наманган вилоятнинг вилоят бюджети захира жамғармасидан маблағлар ажратилганда ушбу Кенгаш қарорига ўзгартириш киритилмайди.

10. 2023 йил учун Наманган вилоятнинг вилоят, шаҳар ва туманлар бюджетлари шахсий ғазна ҳисобварақларида турган бюджет маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори 7-иловага мувофиқ белгилансин.

11. 2023 йил учун Наманган вилоятининг вилоят, шаҳар ва туманлар

бюджетлари даромадларини шакллантиришда, солиқларнинг қуйидаги турлари Наманган шаҳар ва туманлар бюджетларига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкни ижарага беришдан оладиган йиллик даромад тўғрисидаги декларация асосида тўланадиган солиқ, шунингдек яққа тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

норуда қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;

юримдик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ;

юримдик шахслардан олинадиган ер солиғи;

айланмадан олинадиган солиқ;

айрим турдаги товарларнинг чакана савдосига доир ҳуқуқ учун йиғимлар;

қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона органлари томонидан ундириладиган йиғимлардан, ғилдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун ундириладиган утилизация йиғимидан, шунингдек автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш учун тўловдан ташқари);

давлат активларини жойлаштиришдан, фойдаланишга (ижарага) беришдан олинган даромадлар.

Наманган вилоятнинг вилоят бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

юримдик шахслардан олинадиган фойда солиғи;

электр станциялари томонидан тўланадиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

қонунчиликда белгиланган миқдорлардаги давлат божлари (патент божларидан ва лицензиялар берганлик учун давлат божларидан ташқари);

қонунчиликда давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни реализация

қилишдан вилоятнинг вилоят маҳаллий бюджетига ўтказилиши белгиланган тушумлар;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг улуши бўйича дивидендлар (даромадлар) ва ажратмалар;

давлат активларини сотишдан тушган тушумлар;

мобил алоқа хизматлари, тамаки ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғи бўйича тушумлар тегишли молия йилидан олдинги йилнинг 1 июль ҳолатига кўра Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасидан олинган Наманган вилояти аҳолиси сонининг республика аҳолиси сонига мувофиқ.

Наманган вилоятининг вилоят бюджети, Наманган шаҳар ва туманлар бюджетлари ўртасида тақсимланади:

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

бензинни, дизель ёқилғиси ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилишдаги акциз солиғи;

қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундириладиган жарималар;

Халқ депутатлари Наманган шаҳар ва туманлар Кенгашлари шаҳар ҳамда туманларнинг оммавий дам олишга ва (ёки) туризмга ихтисослаштирилган айрим ҳудудларида мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний шахслар учун белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкаларига Тошкент шаҳри учун белгиланган миқдорларгача ўсиб боровчи коэффициентларни киритишга ҳақли.

Агар қонунчиликда даромадларнинг тақсимланиши назарда тутилмаган бўлса:

давлат бюджетига ўтказилиши назарда тутилган даромадлар турлари Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига;

маҳаллий бюджетларга ўтказилиши назарда тутилган даромад турлари тегишинча Наманган вилоятининг вилоят, Наманган шаҳар ва туманлар бюджетига ўтказилади.

Бюджет тизими бюджетларига ортиқча ёки нотўғри тўланган тушум суммаларини қайтариш уларни қайтариш вақтида амалда бўлган ажратмаларнинг нормативларига мувофиқ тегишли бюджет тизими бюджетларидан, бекор қилинган даромад турлари бўйича эса Ўзбекистон

Республикаси республика бюджетидан амалга оширилади.

Давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар, шунингдек уларнинг таркибига кирувчи корхоналар томонидан 2023 йилнинг 1 июлига қадар 2022 йил якунлари бўйича ўз соф фойдасининг 50 фоизи миқдорида ажратмалар ва давлат улуши бўйича дивидендлар ҳисобланади ҳамда 2023 йилнинг 1 сентябридан кечиктирмай тегишли даражадаги бюджетларга ўтказилади. Шунингдек, устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улуши мавжуд бўлган олтин қазиб олувчи корхоналар 2022–2023 йиллардаги соф фойдасининг 100 фоизини давлат бюджетига дивиденд сифатида ўтказадилар.

12. 2023 йилда Наманган вилоятининг вилоят, Наманган шаҳар ва туманлар бюджети харажатларини амалга оширишда:

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ташаббусига кўра амалга ошириладиган қўшимча тадбирларни молиялаштириш фақат Наманган шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан амалга оширилади;

Наманган вилоят, Наманган шаҳар ва туманлар ҳокимликлари тегишли бюджетларини биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат, дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатлари режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантиради;

Чораклар якуни бўйича ушбу Кенгаш қарорининг 1-иловасида келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг фаолиятига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, Наманган вилояти ҳокимлиги Вазирлар Маҳкамасига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан кўрилган чоралар билан бирга тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш юзасидан мурожаат қилади;

Наманган шаҳар ва туманлар ҳокимликлари Наманган вилояти ҳокимлигига ҳудди шундай тартибда мурожаат этади;

2023 йилда Наманган вилоятининг умумий ўрта таълим ташкилотлари, мактабгача таълим ташкилотлари, соғлиқни сақлаш муассасалари объектларини лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш), мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш, шунингдек суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш

тадбирлари доирасида объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш), мукамал таъмирлаш ҳамда таъмирлаш-тиклашга доир харажатлар ҳамда вилоят ҳокимлиги тасарруфидаги кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйи Наманган вилоятининг вилоят бюджетидан молиялаштирилади;

Наманган вилоятидаги иссиқлик энергиясини етказиб берувчи корхоналар томонидан кўрсатиладиган иссиқлик таъминоти хизматлари учун тартибга солинадиган нархлар (тарифлар) улар бўйича дастлаб Монополияга қарши кўрашиш қўмитаси Наманган вилояти ҳудудий бошқармасининг хулосаларига кўра, тегишинча халқ депутатлари вилоят Кенгашининг қарорлари билан маъқулланганидан кейин Наманган вилояти ҳокими томонидан тасдиқланади;

иссиқлик таъминоти хизматлари учун тартибга солинадиган нархларни (тарифларни) йил давомида қайта кўриб чиқиш яқунларига кўра иссиқлик билан таъминловчи корхоналар аҳолига пасайтирилган тарифлар қўлланилиши натижасида кўрган зарарларининг ўрнини қоплаш учун қўшимча маблағларга бўлган талаб Наманган вилояти вилоят бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан қопланади.

13. Наманган вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари (Т.Юсупов), Наманган шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, Молия бош бошқармаси (З.Бахриддинов), ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар:

биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озик-овқат, дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатлари режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантириш;

бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш;

бюджет интизомига риоя этилиши устидан назорат ва масъулиятни янада кучайтириш вазифалари топширилсин.

14. Наманган вилоят Давлат солиқ бошқармаси (А.Бойханов) Давлат солиқ инспекциялари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига белгиланган ваколатларидан келиб чиқиб:

солиқларнинг тўлиқ ва тўғри ҳисобланишини ҳамда ушбу солиқларни ўз вақтида бюджетга ундирилиши устидан солиқ назоратини кучайтириш;

ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ва мол-мулк солиқлари бўйича доимий таҳлиллар ўтказган ҳолда, солиқларни тўлиқ

ҳисобланишини таъминлаш ҳамда ушбу солиқ тўловлари бўйича солиқ қарздорлигига йўл қўймаслик чораларини кўриш;

айланмадан солиқ тури бўйича солиқ тўловчилар томонидан нақд пул айланмаларининг солиқ ҳисоботларида тўлиқ акс этирилиши устидан доимий солиқ назоратини ўрнатиш ҳамда зарур ҳолларда хронометраж ва камерал солиқ назорати тадбирларини ўтказиш;

маҳаллий бюджет прогноз кўрсаткичларни ўз вақтида бажариш вазифалари юклансин.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Наманган вилоятининг Наманган шаҳри таркибида Давлатобод туманини ташкил этиш билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 12 ноябрдаги 718-сон қарорига мувофиқ Наманган шаҳри таркибида Давлатобод тумани ва “Наманган вилоятининг Наманган шаҳри таркибида Янги Наманган туманини ташкил этиш билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 8 майдаги 293-сон қарорига мувофиқ Наманган шаҳри таркибида Янги Наманган тумани ташкил этилганлигини инобатга олиб, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритилгунга қадар шунингдек, вилоятлар бўйсинувидаги шаҳарлар таркибидаги туманлар Халқ депутатлари Кенгашлари ваколатларини чекланиб қолганини олдини олиш мақсадида, Наманган шаҳар бюджетининг 2023 йил бошида аниқланадиган эркин қолдиқ маблағлари ҳамда даромадларининг биринчи-учинчи ҳисобот чораклари яқунлари бўйича аниқланадиган прогноздан ошириб бажарилган қисмидан 25 (йигирма беш) фоиз Наманган шаҳри таркибидаги Давлатобод туманига, 25 (йигирма беш) фоиз Наманган шаҳри таркибидаги Янги Наманган туманига йўналтирилсин.

16. Вилоят Давлат солиқ бошқармаси (А.Бойханов), Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекцияси ҳамда Наманган шаҳар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда:

норуда қурилиш материалларини қазиб олиш соҳасида ноқонуний фаолият олиб бораётган карьерларни аниқлаш бўйича хатловлар ўтказиш;

хатлов натижалари бўйича аниқланган ноқонуний фаолият олиб бораётган карьерлар фаолиятини қонунийлаштириш ҳамда уларни солиқ базасига қамраб олиш;

норуда қурилиш материалларини қазиб олиш соҳасида фаолият олиб бораётган карьерлар томонидан қазиб олинаётган норуда қурилиш материаллар

ҳажмининг солиқ ҳисоботларида тўлиқ акс эттирилиши устидан доимий назорат ўрнатсин.

Бунда, ушбу соҳада фаолият олиб бораётган карьерларнинг қазиб олиш ҳажмларини доимий таҳлил қилиб бориш ҳамда зарур ҳолларда қазиб олиш ҳажмларини аниқлашда маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан “маркшейдрлик” хизматларидан фойдаланиш лозимлиги алоҳида белгилаб қўйилсин.

17. Мажбурий ижро бюроси Наманган вилоят бошқармаси (Б.Мирзаахмедов) вилоят Давлат солиқ бошқармаси (А.Бойханов) билан ҳамкорликда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича мавжуд солиқ қарздорликларини бюджетга ундириш юзасидан тегишли чоралар кўриб борсин ҳамда чорақлар якуни билан солиқ қарздорликларининг чорак бошига нисбатан камайиб бориши бўйича барча комплекс чора-тадбирлар кўрсин.

18. Давлат активларини бошқариш агентлиги Наманган вилоят ҳудудий бошқармаси (Б.Матмусаев)га:

бўш турган давлат мулки объектларини аниқлаш бўйича хатлов ишларини самарали ташкил этиш;

хатлов натижаларига кўра вилоятда мавжуд бўш турган давлат мулки объектлари рўйхатини шакллантириш;

шакллантирилган рўйхатга асосан бўш турган давлат мулки объектларини ижарага бериш ёки сотиш бўйича тегишли таклифлар тайёрлаш;

бўш турган давлат мулки объектларини ижарага бериш ёки сотиш бўйича ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида роликлар ва видео-материаллар тайёрлаш;

хусусийлаштирилиши мўлжалланган бўш турган давлат мулки объектларини сотиш ишларини ташкиллаштириш вазифаси юклансин.

19. Монополияга қарши кўрашиш қўмитаси Наманган вилояти ҳудудий бошқармаси (Ф.Салохитдинов) туман ва шаҳарлар ҳокимликлари билан биргаликда ташқи реклама объектларини тўлиқ хатловдан ўтказган ҳолда, ушбу ташқи реклама объектлари бўйича шартномалар тузиш чораларини кўрсин ҳамда ушбу шартномалар бўйича йиғимларни бюджетга тўланиши устидан доимий назорат ўрнатсин.

20. Вилоят Ички ишлар бошқармаси (Ш.Рахмонов), вилоят Йўл ҳаракати

хавфсизлиги бошқармаси (С.Кравченко), вилоят Адлия бошқармаси (Х.Сабилов) ҳисобланган бож, жарима ва йиғимларни ўз вақтида ўрнатилган тартибда бюджетга ундириш чораларини кўриб борсин.

21. Давлат молиявий назорати инспекцияси Наманган вилоят бошқармаси (Д.Шакиров) Халқ таълими (А.Махкамов), Мактабгача таълим (Х.Юсупова), Соғлиқни сақлаш бошқарма (А.Иминов)нинг Ички аудит хизматлари билан биргаликда:

бюджет интизомига қатъий риоя этилиши устидан доимий мониторинг ишларини кучайтирсин;

бюджет интизомини бузиш ҳолатлари бўйича ҳар чорак якуни билан халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгашига ахборот киритиб борсин;

ҳар чоракда халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгашида ўтказилган назорат тадбирлари якуни бўйича камомад ва ноқонуний ўзлаштиришга йўл қўйган соҳа раҳбарларининг ҳисоботини эшитиб борсин.

22. Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси:

маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги вилоят ҳокимлиги томонидан тақдим этилган таклифлари асосида бюджет қонунчилигига тўлиқ риоя этган ҳолда Кенгаш қарор лойиҳасини ишлаб чиқилишига;

Кенгаш қарори асосида маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан ажратилган маблағларни самарали ва мақсадли фойдаланиши устидан назорат ўрнатишга ва натижалари бўйича тавсиялар беришга;

маҳаллий бюджет харажатларининг қонунчиликда белгиланган қисмининг жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилишида иштирок этади ва ушбу маблағларнинг мақсадли сарфланиши устидан назоратни амалга оширишга масъул этиб белгилансин.

23. Мазкур Кенгаш қарори “Наманган ҳақиқати” ва “Наманганская правда” газеталарида расмий эълон қилинсин ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

24. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Халқ депутатлари

вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси ва вилоят ҳокимининг молия-иқтисод ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари Т.Юсупов зиммасига юклансин.

**Xalq deputatlari Namangan
viloyati Kengashi raisi**



Sh.Abdurazakov

Xalq deputatlari Namangan viloyat
Kengashining
2022 yil 30 dekabrda
VI-35-165-6-0-K/22-son qaroriga
1-ilova

**2023 йил учун вилоятнинг вилоят маҳаллий бюджети даромадлари
прогнози**

Даромад турлари		минг сўм
1	Фойда солиғи	573 822 000
2	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	686 835 713
3	Якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи	249 077 799
4	Давлат божи	191 422 000
5	Жарималар	88 550 987
6	Давлат унитар корхоналарининг соф фойдасидан Давлат бюджетига ажратмалар	1 078 000
7	Давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушумлар	25 000 000
ЖАМИ		1 815 786 499
	Мобиль алоқа хизмати ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғи тушумларидан тегишли равишда ўтказиб бериладиган даромад	480 568 016
1	Алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво	194 414 389
2	Мобиль алоқа хизмати	83 392 469
3	Тамаки ва алкоголь маҳсулотлари	202 761 158
ДАРОМАДЛАР ЖАМИ		2 296 354 515

Xalq deputatlari Namangan viloyat
Kengashining
2022 yil 30 dekabrda
VI-35-165-6-0-K/22-son qaroriga
2-ilova

**2023 йил учун Наманган вилоятининг вилоят бюджетига ажратилadиган
тартибга солувчи бюджетларaro трансфертлар миқдори**

T/p	Худуд номи	минг сўм
	ЖАМИ	2 899 866 134
	<i>шундан</i>	
1	Наманган вилояти	2 899 866 134

Xalq deputatlari Namangan viloyat
Kengashining
2022 yil 30 dekabrda
VI-35-165-6-0-K/22-son qaroriga
3-ilova

**2023 йил учун вилоятнинг вилоят бюджетидан ҳудудий бюджет
маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг
чекланган миқдори**

Т/р	Кўрсаткичлар	Сумма
	Вилоятнинг вилоят бюджетидан ажратиладиган маблағлар жами	5 196 220 649,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	2 490 755 664,0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	334 399 488,0
	Фуқароларга етказилган зарарни қоплаш	3 000 000,0
	Адвокатлик хизмати харажати	1 800 000,0
	Ички ва ташқи қарзга хизмат кўрсатиш	18 162 997,0
	Вилоятнинг вилоят бюджети захира жамғармаси	24 801 045,0
	Президент таълим муассасалари қуриш учун жалб этилган қарз маблағларини қайтариш харажатлари	50 000 000,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	250 785 267,0
	Наманган вилояти шаҳар ва туманларнинг бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари	2 356 915 676,0
1	Наманган вилояти Халқ таълими бошқармаси	317 055 599,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	202 478 620,0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	114 576 979,0
2	Президент таълим муассасалари агентлигининг Наманган вилояти бўлими тизимидаги муассасалар	77 396 067,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	77 396 067,0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
3	Наманган вилояти Мактабгача таълим бошқармаси	81 222 942,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	15 798 454,0

Т/р	Кўрсаткичлар	Сумма
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	65 424 488,0
4	Наманган вилояти Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармаси	948 741,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	948 741,0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
5	Наманган вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси	776 634 554,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	731 990 854,0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	44 643 700,0
6	Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги	44 578 665,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	44 578 665,0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
7	Наманган вилояти Маданият бошқармаси	38 347 823,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	38 347 823,0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
8	Вилоят спортни ривожлантириш бош бошқармаси	87 026 166,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	87 026 166,0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
9	Наманган вилояти Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси	18 087 677,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	11 287 677,0

T/p	Кўрсаткичлар	Сумма
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	6 800 000,0
10	Наманган вилояти Қишлоқ хўжалиги бошқармаси	2 732 847,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	2 732 847,0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
11	Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва химояси агентлиги Наманган вилояти бўлими	11 054 691,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	11 054 691,0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
12	Наманган вилояти Ирригация тизимлари хавза бошқармаси	763 032 637,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	759 557 637,0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	3 475 000,0
13	Наманган вилояти Транспорт бошқармаси	3 140 696,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	3 140 696,0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
14	Наманган вилояти Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармаси	6 773 259,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	6 773 259,0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
15	Наманган вилояти Туризм ва маданий меърос бошқармаси	5 441 798,0

Т/р	Кўрсаткичлар	Сумма
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	5 441 798,0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
16	Наманган вилояти Ўрмон хўжалиги бошқармаси	7 999 988,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	7 999 988,0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
17	Наманган вилояти Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси	5 910 730,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	5 910 730,0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
18	Наманган вилояти Монополияга қарши курашиш бошқармаси	1 884 266,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	1 884 266,0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
19	Наманган вилояти Давлат активларини бошқариш агентлиги	2 290 561,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	2 290 561,0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
20	Наманган вилояти Бандлик ва меҳнат муносабатлари бошқармаси	1 851 002,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	1 851 002,0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	

Т/р	Кўрсаткичлар	Сумма
21	Наманган вилояти Қурилиш бошқармаси	2 476 782,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	2 476 782,0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
22	Наманган вилояти Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси	9 600 397,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	9 600 397,0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
23	Наманган вилояти Адлия бошқармаси	9 568 205,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	9 568 205,0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
24	Наманган вилояти иктисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси	15 598 748,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	15 598 748,0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
25	Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Наманган вилояти бошқармаси	21 906 768,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	21 906 768,0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
26	Наманган вилояти бўйича Ғазначилик бошқармаси	10 567 046,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	10 567 046,0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	

Т/р	Кўрсаткичлар	Сумма
27	Наманган вилояти ҳокимлиги	450 639 939,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	359 973 794,0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	334 399 488,0
	Вилоятнинг вилоят бюджети захира жамғармаси	24 801 045,0
	Президент таълим муассасалари қуриш учун жалб этилган қарз маблағларини қайтариш харажатлари	50 000 000,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	15 865 100,0
28	Ўзбекистон Кинематография агентлиги Наманган вилояти ҳудудий бўлими	191 256,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	191 256,0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
29	Наманган вилояти ҳокимлигининг молия бош бошқармаси	2 385 246 544,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	5 367 871,0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
	Фуқароларга етказилган зарарни коплаш	3 000 000,0
	Адвокатлик хизмати харажати	1 800 000,0
	Ички ва ташқи қарзга хизмат кўрсатиш	18 162 997,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
	Наманган вилояти шаҳар ва туманлари маҳаллий бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар	2 356 915 676,0
30	Наманган вилояти Оила ва хотин-қизлар бошқармаси	1 457 608,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	1 457 608,0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
31	Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Наманган вилоятидаги муассасалар	4 817 632,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	4 817 632,0
	шундан:	

Т/р	Кўрсаткичлар	Сумма
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
32	Халқ депутатлари вилоят Кенгаши	4 184 415,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	4 184 415,0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
33	Наманган вилояти сайлов комиссияси	67 136,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	67 136,0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
34	Наманган вилояти Ўзархив бошқармаси	3 746 732,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	3 746 732,0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
35	Наманган вилояти Маънавият ва маърифат маркази	2 389 844,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	2 389 844,0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
36	Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги Наманган вилояти бошқармаси	3 689 318,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	3 689 318,0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
37	Наманган вилояти Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси	1 670 713,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	1 670 713,0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	

Т/р	Кўрсаткичлар	Сумма
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
38	Ўзбекистон Республикаси Пиллачилик ва коракулчилик ривожлантириш қумитасининг Наманган вилояти ҳудудий бўлими	160 368,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	160 368,0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
39	Бошқа ташкилотлар	14 830 489,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	14 830 489,0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	

Xalq deputatlari Namangan viloyat Kengashining
2022 yil 30 dekabrda
VI-35-165-6-0-K/22-son qaroriga
4-ilova

2023 йил учун Наманган вилоятининг вилоят, шаҳар ва туманлар бюджетлари ўртасида ажратмалар нормативлари белгиланадиган умумдавлат солиқлари ва бошқа мажбурий тўловлар

№	Худудлар номи	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ		Юридик жисмсоний шахслар ер солиғи		Якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи		Корхоналар айланмасидан солиқ		Давлат божи		Жарималар	
		Шаҳар ва туманлар бюджетига	Вилоят бюджетига	Шаҳар ва туманлар бюджетига	Вилоят бюджетига	Шаҳар ва туманлар бюджетига	Вилоят бюджетига	Шаҳар ва туманлар бюджетига	Вилоят бюджетига	Шаҳар ва туманлар бюджетига	Вилоят бюджетига	Шаҳар ва туманлар бюджетига	Вилоят бюджетига
1	Наманган шаҳар	100%	0%	100%	0%	30%	70%	100%	0%	0%	100%	0%	100%
2	Мингбулок тумани	100%	0%	100%	0%	0%	100%	100%	0%	0%	100%	0%	100%
3	Косонсой тумани	100%	0%	100%	0%	0%	100%	100%	0%	0%	100%	0%	100%
4	Наманган тумани	100%	0%	100%	0%	0%	100%	100%	0%	0%	100%	0%	100%
5	Поп тумани	100%	0%	100%	0%	60%	40%	100%	0%	0%	100%	0%	100%
6	Тўрақўрғон тумани	100%	0%	100%	0%	60%	40%	100%	0%	0%	100%	0%	100%
7	Уйчи тумани	100%	0%	100%	0%	100%	0%	100%	0%	0%	100%	50%	50%
8	Чортоқ тумани	100%	0%	100%	0%	0%	100%	100%	0%	0%	100%	0%	100%
9	Янгиқўрғон тумани	100%	0%	100%	0%	0%	100%	100%	0%	0%	100%	0%	100%
10	Норин тумани	100%	0%	100%	0%	0%	100%	100%	0%	0%	100%	0%	100%
11	Учқўрғон тумани	100%	0%	100%	0%	0%	100%	100%	0%	0%	100%	0%	100%
12	Чуст тумани	100%	0%	100%	0%	0%	100%	100%	0%	0%	100%	0%	100%

№	Худудлар номи	Йиғимлар		Давлат унитар корхоналари дивиденд тушумлари		Давлат мулки бўйича ижара тўловлари		Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи		Давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушумлар		Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	
		Шаҳар ва туманлар бюджетига	Вилоят бюджетига	Шаҳар ва туманлар бюджетига	Вилоят бюджетига	Шаҳар ва туманлар бюджетига	Вилоят бюджетига	Шаҳар ва туманлар бюджетига	Вилоят бюджетига	Шаҳар ва туманлар бюджетига	Вилоят бюджетига	Шаҳар ва туманлар бюджетига	Вилоят бюджетига
1	Наманган шаҳар	100%	0%	0%	100%	100%	0%	45%	55%	0%	100%	0%	100%
2	Мингбулоқ тумани	100%	0%	0%	100%	100%	0%	60%	40%	0%	100%	0%	100%
3	Косонсой тумани	100%	0%	0%	100%	100%	0%	55%	45%	0%	100%	0%	100%
4	Наманган тумани	100%	0%	0%	100%	100%	0%	50%	50%	0%	100%	0%	100%
5	Поп тумани	100%	0%	0%	100%	100%	0%	20%	80%	0%	100%	0%	100%
6	Тўрақўрғон тумани	100%	0%	0%	100%	100%	0%	20%	80%	0%	100%	0%	100%
7	Уйчи тумани	100%	0%	0%	100%	100%	0%	35%	65%	0%	100%	0%	100%
8	Чортоқ тумани	100%	0%	0%	100%	100%	0%	60%	40%	0%	100%	0%	100%
9	Янгиқўрғон тумани	100%	0%	0%	100%	100%	0%	55%	45%	0%	100%	0%	100%
10	Норин тумани	100%	0%	0%	100%	100%	0%	60%	40%	0%	100%	0%	100%
11	Учқўрғон тумани	100%	0%	0%	100%	100%	0%	60%	40%	0%	100%	0%	100%
12	Чуст тумани	100%	0%	0%	100%	100%	0%	50%	50%	0%	100%	0%	100%

Xalq deputatlari Namangan viloyat
Kengashining
2022 yil 30 dekabrda
VI-35-165-6-0-K/22-son qaroriga
5-ilova

**2023 йил учун Наманган вилояти шаҳар ва туманлар маҳаллий
бюджетларининг даромадлари ва харажатлари прогнозлари**

Т/р	Худудлар номи	Даромадлар минг сўм	Харажатлар минг сўм
	Жами	1 417 053 501	3 773 969 177
1	Наманган шаҳар	520 235 343	833 238 755
2	Мингбулоқ тумани	57 254 750	194 921 043
3	Косонсой тумани	66 433 873	269 845 741
4	Наманган тумани	64 172 465	232 879 716
5	Поп тумани	124 261 209	304 786 193
6	Тўрақўрғон тумани	92 438 081	304 367 348
7	Уйчи тумани	94 681 495	280 401 848
8	Чортоқ тумани	72 327 030	248 761 869
9	Янгиқўрғон тумани	79 356 451	272 270 031
10	Норин тумани	56 657 539	231 522 613
11	Учқўрғон тумани	75 815 141	269 925 941
12	Чуст тумани	113 420 124	331 048 079

Xalq deputatlari Namangan viloyat
Kengashining
2022 yil 30 dekabrda
VI-35-165-6-0-K/22-son qaroriga
6-ilova

**2022 йил учун Наманган вилояти шаҳар ва туманларнинг бюджетларига
ажратиладиган тартибга солувчи бюджетларaro трансфертлар
миқдорлари**

T/p	Худудлар номи	Сумма
	Жами	2 356 915 676
1	Наманган шаҳар	313 003 412
2	Мингбулоқ тумани	137 666 293
3	Косонсой тумани	203 411 868
4	Наманган тумани	168 707 251
5	Поп тумани	180 524 984
6	Тўрақўрғон тумани	211 929 267
7	Уйчи тумани	185 720 353
8	Чортоқ тумани	176 434 839
9	Янгиқўрғон тумани	192 913 580
10	Норин тумани	174 865 074
11	Учқўрғон тумани	194 110 800
12	Чуст тумани	217 627 955

Xalq deputatlari Namangan viloyat
Kengashining
2022 yil 30 dekabrda
VI-35-165-6-0-K/22-son qaroriga
7-ilova

**2023 йил учун вилоятнинг вилоят, шаҳар ва туманлар бюджетлари
шахсий ғазна ҳисобварақларида турган бюджет маблағларининг йўл
қўйиладиган энг кам миқдори**

T/p	Худудлар номи	сумма
	Жами	19 524 000,0
1	Наманган вилоят	8 009 202,0
2	Наманган шаҳар	2 311 327,0
3	Мингбулоқ тумани	601 266,0
4	Косонсой тумани	805 035,0
5	Наманган тумани	690 652,0
6	Поп тумани	1 045 736,0
7	Тўрақўрғон тумани	901 738,0
8	Уйчи тумани	839 999,0
9	Чортоқ тумани	813 200,0
10	Янгиқўрғон тумани	898 046,0
11	Норин тумани	686 915,0
12	Учқўрғон тумани	901 770,0
13	Чуст тумани	1 019 114,0